

(?-1868)

(1863-1865)

Кўкон хонлигида Султон Сайидхон 1863-йил июлда киргизлар ва кипчоклар амири лашкар Алимкул бошчилигида ҳокимятни эгаллаган. Султон Сайидхон номигагина хон килиб кўтарилган, амалда давлат ишлари Алимкул кўлида бўлган. Рус кўшинлари бу пайтда Янгикўргон, Пишпак, Марки, Авлиёота, Туркистон, Чимкентни босиб олишган. 1865-йил баҳорида М.Г. Черняев бошчилигидаги кўшин Тошкентни камал қилган. Султон Сайидхон Алимкул билан бирга Тошкент мудофаасига раҳбарликни ўз кўлига олган. Алимкул жангда ўлдирилгач, киргиз ва кипчоклар кўшини Кўконга қайтиб келиб, тахтга бошқа хонни ўтказиш пайига тушган. Тарихчи Муҳаммад Солихнинг ёзишича, Тошкент халқи Султон Сайидхонга содиқ қолиб, уни қайта хонлик тахтига ўтказишади. Шу равишда Тошкент ўз хонига эга бўлиб, Кўкондан мустақиллигини намоиш этади. Султон Сайидхон Россия тажовузига қарши ёрдам сўраб Туркия султони, Бухоро амирига ва Кўконга элчилар жўнатган. Бухорога себзорлик эшон Ҳакимхўжа қозикалон бошчилигида ҳар даҳадан тўрт оксоқол юборилади. Бухоро амири ўз мактубида Султон Сайидхон унинг ҳузурига келиб бўйсунishi ва шундан кейингина Тошкентга ёрдам бериши мумкинлигини ёзган. Амирнинг бу талаби қолдирилган.